O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2007 йил 29 ноябрь, № 236 (4389) Пайшанба

# ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ – САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.**





Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2005 йили имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон — Россия муносабатларини ривожлантиришда мамлакатларимиз раҳбарларининг бир-бирига ҳурмат ва ишончи, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари, шунингдек, халқаро муаммолар борасидаги қарашлари ўхшаш ва яқин эканлиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон ташқи савдосининг 30 фоиздан ортиғи Россия ҳиссасига тўғри келади. Экспорт ва импорт таркиби ҳам бой — машина ва ускуналар, энергия манбалари, қора ва рангли металлар, пахта толаси, пластмасса, ёғочни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати маҳсулотлари. 2006 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўтган йили Россия Ўзбекистондан бир миллион тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулоти сотиб олди.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони беш юздан ошади. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган 284 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, савдо, энергетика, кончилик, металлургия, суғурта, молия сектори, озиқ-овқат, фармацевтика, ёғочни қайта ишлаш соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланаётир.

Саноатнинг электротехника, машинасозлик, самолётсозлик каби мураккаб тармоқларида ҳам алоқалар кенгаймоқда. Телекоммуникация ва дастурий таъминот, кимё, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, сайёҳлик соҳаларида катта имкониятлар мавжуд ва уларни тўлиқ ишга солиш устувор вазифалар сирасидандир. Ўзбекистон Республикасининг вилоятлари билан Россия Федерацияси субъектлари ўртасида бевосита алоқалар йўлга қўйилган.

Мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги таълим, маданият ва санъат, соғлиқни сақлаш, фан ва технологиялар каби соҳаларни қамраб олган. Маданият ва санъат намояндаларининг ҳамкорлиги доирасида турли кўргазма ва гастроллар ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиали фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг, жорий йилда И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссияси мунтазам равишда мажлислар ўтказиб, алоқаларни кенгайтиришнинг янги имкониятларини кўриб чиқади, устувор соҳаларни белгилайди.

Шу йил июль ойида Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари С. Иванов юртимизга Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг ҳамраиси сифатида биринчи бор ташриф буюрган эди.

Қўшма комиссиянинг Тошкентда ўтган бу галги мажлисида, шунингдек, "Ўзбекистон — Россия: стратегик ҳамкорлик" мавзуидаги иқтисодий форумда ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Россия ва Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

С. Иванов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни, барча соҳаларда ривож топаётган шериклик алоқаларини юксак қадрлашини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

**Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.**

***Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 28 ноябрь куни Навоий вилояти сайловчилари билан учрашди.***

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Навоий округ сайлов комиссияси раиси Ў. Мавлонов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга оид стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислом Каримов Навоий вилояти Ўзбекистоннинг йирик саноат минтақаси эканлигини, бу ердаги улкан саноат корхоналари мамлакатимиз иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоққа саноат ва сервисни олиб кириш борасида, маданий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Учрашувда Навоий кон-металлургия комбинати бош директори Николай Кучерский, "Нуроний" жамғармаси Қизилтепа тумани бўлими раиси Қаҳҳор Асадов, Навоий давлат кончилик институти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Муҳаббат Темирова, "Конимех" ширкат хўжалиги раиси Жакдулла Бўкаев, "Шамс-Навоий" корхонаси раҳбари Шавқиддин Жамолов мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

**А. БОБОЕВ,**
**Ё. УМАРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

***28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишлари ҳамда 2008 йилги Давлат бюджети кўрсаткичларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.***



Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари С. Бекенов маъруза қилиб, мамлакат энг муҳим молиявий ҳужжатининг асосий кўрсаткичлари мазмуни ва аҳамиятини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишларини асослаб берди.

Масалани муҳокама қилиш асносида мажлис иштирокчилари навбатдаги молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети юқори даражада ижтимоий йўналишга эгалигини, шунингдек, иқтисодиёт ҳамда аҳоли даромадларига тушаётган солиқ юкини камайтириш тамойилларини кўрсатиб ўтдилар.

2008 йилги солиқ сиёсатига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб 30 августда ўтказилган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» деган маърузасида белгилаб берилган стратегик устувор йўналишлар асос қилиб олинганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ушбу сиёсатнинг амалга оширилиши Давлат бюджети даромадларини кўпайтиришга қаратилган, солиқ тўплаш самарадорлигини оширишни ҳамда иқтисодий субъектлар фаолиятини кучайтириш учун шароит яратишни назарда тутадиган мустаҳкам базани барпо этиш, давлат харажатлари ўз вақтида ва тўла-тўкис амалга оширилишини таъминлаш имконини беради.

Мажлисда давлатимиз раҳбари 2007–2009 йиллар мобайнида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини 2,5 баравар оширишни ижтимоий сиёсат соҳасидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берганлиги 2008 йилги Давлат бюджетининг харажатлар қисмида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тамойилини сақлаб қолишни назарда тутаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжатида фан, таълим ва маданият соҳаларида меҳнатга

(Давоми 2-бетда).

***Пойтахтимизда 28 ноябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўнинчи мажлиси бўлиб ўтди.***

*Ўзбекистон — Россия:*

# МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, энергетика, нефть-газ, мудофаа, банк-молия, савдо-саноат, кимё, геология, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув хўжалиги, божхона, фармацевтика, мебелсозлик, сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, комиссия ҳамраиси Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки мамлакат Президентлари – Ислом Каримов ва Владимир Путин томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари, комиссия ҳамраиси Сергей Иванов Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат эканини, Россия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашини алоҳида қайд этди.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик деярли барча йўналишларда, жумладан, энергетика, авиасозлик, машинасозлик, транспорт ва телекоммуникациялар, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, озиқ-овқат, ёғочни қайта ишлаш саноати, қишлоқ хўжалиги, электротехника каби соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

2006 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 42 фоиз ўсиб, 3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида эса ушбу кўрсаткич 2 миллиард 951,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари, асбоб-ускуна, пахта толаси, қора ва рангли металлар, пластмасса буюмлар ва бошқа турдаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорт қилинади.

Ўзбекистонда россиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган қўшма корхоналар сони беш юздан ошади. Улар орасида "Петромарузгаз" (кимёвий маҳсулотлар); "Вим-Билль-Дан-Тошкент" (сут маҳсулотлари), "Балтимор-Челак" (консерва), "Элимпекс" (тўқимачилик), "Электроизолит" (қурилиш материаллари) каби корхоналар, айниқса, муваффақиятли фаолият юритмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Аслиддин Рустамов 28 ноябрь куни Сирдарё вилояти сайловчилари билан учрашди.***

# АСЛИДДИН РУСТАМОВНИНГ СИРДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сирдарё округ сайлов комиссиясининг раиси С. Қудратов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Қ. Аликулов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан таништирди. Дастурда истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланган. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Президентлигига номзод А.Рустамов нутқ сўзлади.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сардоба тумани кенгаши раиси Қ. Одилов, Ховос туманидаги 6-умумтаълим мактаби директори Н. Бойтўраева, Гулистон тумани Деҳқонобод шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси Д. Ҳайитова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўп партиявийлик ва альтернатив асосда ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат шаклланганидан, сайлов тизимларимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканлигини таъкидладилар. Сайловчиларни 2007 йил 23 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

**Д. ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2007 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

# РОССИЯ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

*Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Россия Федерацияси Миллий кўргазмаси иш бошлади. У Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Россия Федерацияси Иқтисодий ривожланиш ва савдо вазирлиги ҳамда ҳар икки мамлакатнинг Савдо-саноат палаталари ҳамкорлигида ташкил этилди.*

**▼ Ҳамкорлик**

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев сўзга чиқиб, кейинги йилларда Ўзбекистон — Россия давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий, маданият, фан, таълим ва бошқа соҳаларда дўстона алоқалар ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди. Айниқса, нефть-газ, энергетика, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, тиббиёт соҳаларидаги ҳамкорлик юқори даражага кўтарилди. Икки давлат президентлари томонидан 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

Маълумотларга қараганда, юртимизда Россия сармояси иштирокида ташкил этилган 500 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар халқ хўжалигининг доридармон, қурилиш материаллари, нефть-газ, ёғочни қайта ишлаш, электроника ва машинасозлик каби соҳаларига ихтисослашган. Шу билан бирга, Россияда ҳам Ўзбекистон сармояси иштирокидаги 284 та қўшма корхона ишлаб турибди. Бундан ташқари, икки давлат ўртасида товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида

(Давоми 2-бетда).

«ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИГА 2008 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНАНИ ЎЗ ВАҚТИДА РАСМИЙЛАШТИРИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ? Нашр кўрсаткичимиз – 229

## Олий Мажлис Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси олдидан

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳақ тўлашнинг тармоқ тизимларига ўтиш режалаштирилмоқда. Бу тизим ташаббускорликни ва касб маҳоратини ошириб боришни рағбатлантиришни, иш ҳақини малакага, меҳнат фаолиятининг хусусиятларига ва масъулият ҳиссига қараб даражалашни назарда тутади.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида Давлат бюджетида умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш бўйича Давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратиш назарда тутилганлиги таъкидланди.

Шу билан бир қаторда, сувдан фойдаланувчилар ҳамда фермер хўжаликлари уюшмаларининг мелиорация тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш тадбирларига ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш ҳам назарда тутилади. Бу тадбирлар янги ташкил этилаётган Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси орқали молиялаштирилади.

Шунингдек, ноқулай ерларда пахта етиштиришнинг рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ҳамда рентабеллигини қўллаб-қувватлаш учун шароит яратиш мақсадида камунум ерларда пахта етиштираётган фермер хўжаликларига давлат томонидан ёрдам бериш назарда тутилаётганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Келгуси йилда Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан ўз ўрнида фойдаланилиши устидан самарали ва таъсирчан назоратни таъминлаш, бюджетдан ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берадиган норматив молиялаш усулларини қўллаган ҳолда харажатларни оптималлаштириш ишлари ҳам давом эттирилади.

Муҳокама якунида тегишли қарор қабул қилинди.

Қўмита мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



***Кеча қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Мазкур қўмита раиси А. Аҳадов олиб борган ушбу тадбирда тегишли вазирлик, идора, ташкилот ҳамда компаниялар раҳбарлари иштирок этди.***

# СУҒУРТА БОЗОРИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Йиғилишда таъкидланганидек, компания томонидан юқорида номи зикр этилган Қонун ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, кўрсатилаётган суғурта хизматларининг сифати ва кўлами ортди. Бугун компания томонидан кўрсатилаётган суғурта хизматларининг 90 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади. Қолаверса, суғурта мукофотлари ўтган йилдагига нисбатан 31,6 фоизга, инвестиция ҳажми эса 15 фоизга ўсган.

Йиғилиш иштирокчилари эришилган ютуқлар билан бирга, компания томонидан йўл қўйилган камчилик ва хатоларга ҳам эътибор қаратишди. Маълум бўлишича, компания ва айрим суғурта агентликларининг Низом фонди тўлиқ шаклланмаган, суғурта шартномаларини рўйхатга олиш журналлари белгиланган тартибда юритилмаган. Шу билан бирга, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга биноан, суғурта бозорининг янги профессионал иштирокчилари (суғурта сюрвейерлари, суғурта воситачилари, аджастерлари, актуарийлари, ассистанслари) фаолиятини жорий этиш бўйича зарур ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани иштирокчилар томонидан қайд этилди. Мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан тавсия ва таклифлар берилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Х. ҚОБИЛОВ.**

***Шу кунларда Олий Мажлис Сенати қўмиталарида юқори палатанинг ўн иккинчи ялпи мажлисига тайёргарлик ишлари авж палласига кирди.***

***Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ҳам бир қатор қонунларни ялпи мажлис кун тартибига киритмоқда. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар сенаторлар эътиборига ҳавола қилинаётир. Биз ушбу ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумот олиш мақсадида мазкур қўмита раиси Содиқ САФОЕВга мурожаат этдик.***

# ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЗАМИНИ

— Сўнгги йилларда почта тизимини ислоҳ қилишга жиддий эътибор қаратилиб, кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — деди Содиқ Солиҳович. — Хусусан, соҳага доир меъёрий ҳужжатлар, дастурлар қабул қилинган. Қолаверса, "Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида"ги Қонун ҳам ушбу ишларнинг тадрижи, десак хато бўлмайди. Ушбу ҳужжатни қабул қилиш замирида, қайд этиш керакки, Умумжаҳон почта иттифоқининг 2004 йил 5 октябрда Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган XXIII конгрессида қабул қилинган Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги битимга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши мақсади ётади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 1994 йилдан эътиборан почта алоқаларини йўлга қўйиш ва такомиллаштиришни таъминлаш ҳамда бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш мақсадини кўзловчи Умумжаҳон почта иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Президентимизнинг 2006 йил 4 августдаги "Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида"ги қарори билан эса мамлакатимиз Иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги интеграциялашувни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномада қатнашувчи давлатларнинг жисмоний шахслари томонидан пул ўтказмаларини амалга ошириш тартиб-қоидаларини соддалаштириш ҳақидаги 1998 йил 24 ноябрда Москва шаҳрида имзоланган Протоколга қўшилди. Ушбу Протоколга мувофиқ, иштирокчи давлатлар пул ўтказмалари бўйича почта хизматлари кўрсатишда Почта тўловлари хизматлари тўғрисида тузилган битим доирасида Умумжаҳон почта иттифоқи нормалари ва қоидаларига амал қилиш ҳақида келишиб олдилар.

Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон ва бошқа давлатлар фуқароларининг почта тармоғидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини ўтказишга бўлган талаб-эҳтиёжларини қондиришга имкон яратади. Қолаверса, юқорида номи зикр этилган Протоколнинг кучга кириши Ўзбекистон Республикасининг Умумжаҳон почта иттифоқи доирасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди, молиявий оқибатларни келтириб чиқармайди ҳамда янги қонун ҳужжатлари қабул қилинишини талаб этмайди.

*— Содиқ Солиҳович, айтинг-чи, "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?*

— Қўмитамиз томонидан киритилаётган учала қонун бевосита мамлакатимиз ва хорижий давлатлар ўртасида сиёсий, иқтисодий ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кучайтиришга хизмат қилишини қайд этишимиз даркор.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида транспорт ва товарлар транзити соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим жорий йил 14 мартда икки давлат ўртасида юклар ташувини, шунингдек, ўз давлатлари ҳудуди орқали учинчи мамлакатларга ташувларни енгиллаштириш мақсадида имзоланган. Мазкур Битим билан томонлар ўз миллий қонунчилигига мувофиқ, бошқа томон давлат ташувчиларига нисбатан ер усти транспорти коммуникациялари бўйича транспорт воситасига, мулкчилик ҳуқуқидан қатъи назар, эркин транзит қатновини тақдим этишлари лозим. Шунингдек, битимга биноан, томонлар давлат ва хусусий секторда қўшма транспорт компанияларини тузиш имкониятларини кўриб чиқишлари назарда тутилган.

Юклар ташуви эса томонлар давлатларида рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари орқали амалга оширилиши лозимлиги ва автомобиль транспорти орқали халқаро транзит ташувларига ўзаро келишув асосида рухсат берилиши ҳамда транзит қатновини бевосита амалга ошираётган транспорт воситасига нисбатан қўлланиши билдирилган.

Шунингдек, томонлар давлатлари ҳудуди орқали олиб ўтиладиган товарлар транзит мамлакатидаги транспорт фаолиятидан олинадиган даромад ёки фойда солиғи, божхона тўловларини тўлашдан озод этилади. Шу билан бирга, томонлар ўз миллий қонунчилигига мувофиқ, транзит ташувларини амалга ошираётган транспорт воситаларидан йиғимлар, жумладан, кириш учун йиғим, божхона расмийлаштируви ва транзит юкларининг божхона кузатувини амалга ошириш билан боғлиқ йиғимлар ундириши мумкин.

*— Юқорида таъкидланганидек, кун тартибига яна бир ҳужжат — "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислом Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Тошкент, 2007 йил 14 март) ратификация қилиш ҳақида"ги Қонун ҳам киритилган...*

— Ҳа, мазкур ҳужжат жорий йил 14 мартда имзоланган бўлиб, Қонунчилик палатасида қабул қилингач, тегишли тартибда кўриб чиқиш учун Сенатга юборилган.

Шартнома икки давлат ўртасида жиноий ишлар бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш орқали жиноятчиликнинг олдини олиш, тергов қилиш ёки жиноий ишлар бўйича тергов олиб бориш, жиноий таъқиб ҳамда бошқа ишларда самарадорликни ошириш учун хизмат қилади. Яъни, томонлар мазкур Шартноманинг қоидаларига ва ўз миллий қонунларига мувофиқ, жиноий ишлар бўйича тергов олиб бориш, жиноий таъқиб қилиш ёки жиноий ишлар бўйича суд жараёнини амалга оширишни белгилашган. Шартномага биноан, томонлар зарур пайтда шахслардан далиллар ва кўрсатмалар олиш, маълумотлар, ҳужжатлар, ёзувлар ва гувоҳлик кўрсатмаларини тақдим этиш, шахсларни идентификациялаш, ҳужжатларни топшириш ва иккала томоннинг миллий қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа турдаги ёрдамларни сўрашлари мумкин.

Жиноий ишлар бўйича ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам томонларнинг ваколатли органлари — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Покистон Ислом Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Қисқа қилиб айтганда, мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз манфаатларига дахлдор ишларни амалга оширишига кенг замин яратади. Қолаверса, улар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

*Ўзбекистон — Россия:*

# МУНОСАБАТЛАРНИНГ ИЗЧИЛ РИВОЖИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда Россиянинг 145 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда эса Ўзбекистон сармоядорлари билан биргаликда тузилган уч юзга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Айни вақтда, мамлакатларимиз ўртасида ёқилғи-энергетика тармоғи инфратузилмасини ривожлантириш, геология-разведка, конларни аниқлаш ва ўзлаштириш, энергия манбаларини етказиб бериш борасида ҳамкорликда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Россиянинг "Лукойл" компанияси билан ҳамкорликда Бухоро вилояти ҳудудидаги "Хаузак" конида табиий газни қазиб олиш лойиҳасининг амалга оширилаётгани бунга ёрқин мисолдир. Авиасозлик соҳасида эса икки мамлакат ҳамкорликда самолёт ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шуғулланади.

Мажлисда томонлар ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларнинг истиқболлари, хусусан, ёқилғи-энергетика мажмуи ва авиасаноат соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг иқтисодий салоҳияти, имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Шу куни Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доираларининг "Ўзбекистон — Россия: стратегик ҳамкорлик" мавзуидаги иқтисодий форуми бўлиб ўтди. Савдо-иқтисодий, сармоявий, гуманитар, молия каби соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда Россиянинг "Лукойл", "Газпром", Ташқи иқтисод банки каби йирик компания ва банк-молия муассасалари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Россиялик ишбилармонлар юртимизда давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар билан танишдилар.

Анжуманда ишбилармонлар икки мамлакатнинг авиасаноат, машинасозлик, нефть-газ, энергетика, қишлоқ хўжалиги, мудофаа ва хавфсизлик, кончилик, банк-молия, фан-таълим каби соҳаларида алоқаларни янада кенгайтириш ва Россия компанияларини юртимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматлари ўртасида икки томонлама ҳарбий-техникавий ҳамкорлик доирасида фойдаланиладиган ва қабул қилинадиган интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқни ўзаро муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан "Бирлашган авиасозлик корпорацияси" очиқ акционерлик жамияти ўртасида мазкур жамиятнинг ва "В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамиятининг интеграция механизмини мувофиқлаштириш тўғрисидаги меморандум, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси билан "Стройтрансгаз" очиқ акционерлик жамияти ўртасида Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасини ташкил этиш орқали Муборак газни қайта ишлаш заводида суюлтирилган газни ишлаб чиқарувчи қурилмани барпо этиш бўйича сармоявий лойиҳани амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси билан Россия Федерал божхона хизмати ўртасида давлат чегаралари орқали ўтадиган товар ва транспорт воситалари юзасидан олдиндан ахборот алмашишни ташкил этиш тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўнинчи мажлиси якунлари бўйича протоколлар имзоланди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда, — деди С. Иванов журналистлар билан учрашувда. — Бунда ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг тобора ортиб бораётганини, энергетика, фазовий тадқиқотлар, инновациялар, таълим, гуманитар, маданият соҳаларидаги алоқаларнинг, айниқса, ҳарбий-техникавий ҳамкорликнинг мустаҳкамланаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бугунги кунда Россияда ҳам, Ўзбекистонда ҳам вагонларнинг, айниқса, юк вагонларининг етишмаслиги маълум. Шу боис, келгусида ҳамкорликда темир йўл вагонлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона очиш борасида фикрлашдик. Айни вақтда ўзаро ҳамкорликда йирик ва икки томон учун ҳам манфаатли лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Бугун имзоланган ҳужжатлар ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

**Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.**





# РОССИЯ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард 951,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Кўргазма очилишида иштирок этган Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари С. Иванов ушбу тадбир икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожида, кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади, дея таъкидлади.

Кўргазманинг "Россия инновацияси" павильонида ёқилғи-энергетика, табиий ресурсларни қайта ишлаш, кимё ва озиқ-овқат саноати, автомобилсозлик, авиасаноат, машинасозлик, фан-техника соҳасидаги ютуқлар намойиш қилинмоқда. "Россия индустрияси" бўлимида эса қишлоқ хўжалиги, металлургия, мебель ва мебель фурнитураси, фармацевтика, уй-рўзғор буюмлари, қайта ишлаш саноатига оид технологиялар омма эътиборига ҳавола этилмоқда. Тадбирда Олтой ўлкаси, Пенза, Волгоград, Новосибирск, Самара, Саратов, Свердловск, Оренбург, Томск вилоятлари, Чуваш Республикаси ва бошқа минтақалардаги ишлаб чиқариш субъектлари ўз хизмат кўрсатиш турлари ва маҳсулот намуналари билан иштирок этмоқда. Айниқса, иштирокчилар Орск металл конструкциялари заводи, "Автоматика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ульянов автомобиль заводи маҳсулотларини катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

— Россия Федерациясининг саноати ва инновацион салоҳиятини намойиш қилаётган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг 200 га яқин компаниялари, жумладан, Оренбург вилояти халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхоналар ҳам ўз хизмат кўрсатиш турлари ва маҳсулот намуналари билан иштирок этмоқда, — деди биз билан суҳбатда ушбу вилоят Савдо-саноат палатаси вице-президенти Олег Авдеев. — Албатта, ушбу кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад, мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, сармоявий, фан-таълим ва бошқа соҳаларда алоқаларни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон — Россия ишбилармонлари ҳамкорлигининг янги қирраларини очиш, шунингдек, маҳсулотлар олди-сотдиси бўйича битимлар имзолашдир.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи"мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

# МУБОРАК ҲАЖ САФАРИ ОЛДИДАН

***Тошкент шаҳридаги Киночилар уйида муборак ҳаж зиёратига жўнаб кетадиган пойтахтликлар билан учрашув бўлиб ўтди.***

Шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Унда истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори муқаддас диний қадриятларимиз ҳам қайта тиклангани, юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлаётганлари алоҳида таъкидланди. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз муқаддас ҳаж амалларини адо этиб келаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси ўринбосари А. Юнусовнинг маълум қилишича, бу йил муборак ҳаж сафарига отланган ҳамюртларимизнинг дастлабки гуруҳи 2 декабрь куни эрталаб Саудия Арабистонига жўнаб кетади. Уларнинг муборак сафари кўнгилдагидек ўтиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

— Бобом Мусомуҳаммад Раҳматиллаев муборак ҳаж зиёратига боришни бир умр орзу қилиб ўтди, — дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида яшовчи Носир Ҳакимжонов. — Шукрки, истиқлолимиз шарофати билан минглаб ватандошларим қатори мен ҳам муборак ҳаж сафарига отланяпман.

Учрашувда ҳамюртларимизга ҳаж амалларини адо этишлари учун тегишли тавсиялар ва белгиланган бошқа тартиб-қоидалар ҳақида тушунтиришлар берилди.

**Х. САЛИМОВ, ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

**Республика Кўчмас мулк биржасининг вилоят филиали аукцион савдосида Жиззах шаҳридаги қурилиш ташкилоти маъмурий биноси ва омборхоналарини сотиб олган хусусий тадбиркор А. Эшмуродова қисқа фурсатда йигирмага яқин иш ўрни очишга муваффақ бўлди.**

**Эътиборли жиҳати шундаки, сўнгги пайтларда биржада 50 та объект сотилиб, ўнлаб фуқаролар учун янги иш ўринлари яратилди.**

**Б. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Пойтахтимизда 28 ноябрь куни Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Швейцария ҳукуматлараро комиссиясининг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда икки мамлакатнинг ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар, банк-молия, инвестиция, саноат, туризм, соғлиқни сақлаш каби соҳалари бўйича вазирликлари, идоралари, компания ва муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов мамлакатимиз билан Швейцария Конфедерацияси ўртасида кўплаб соҳалар сингари савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади. Бунда ҳукуматларимиз ўртасида имзоланган қатор ҳужжатлар, жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Швейцариянинг иқтисодиёт бўйича Давлат котибиятининг ривожланиш ва ҳамкорлик дирекцияси раҳбари Йорг Ал.Рединг Швейцария Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришдан манфаатдор эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатларимиз ўртасида банк-молия, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, телекоммуникация ва юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорлик, айниқса, изчил ривожланмоқда.

2006 йилда Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 64,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида эса ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан олти бароба ўсди.

Мамлакатимиздан Швейцарияга асосан пахта толаси, ип-газлама, калава ҳамда айрим хизмат турлари экспорт қилинади. Швейцариядан эса юртимизга электр, механик ва технология жиҳозлари, асбоб-ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари келтирилади.

Айни пайтда Ўзбекистонда швейцариялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган 94 та корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Швейцариянинг 32 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Тадбирда швейцариялик ишбилармонлар мамлакатимиздаги кенг кўламли иқтисодий ўзгаришлар — соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралар, хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароит ва юртимизнинг иқтисодий салоҳияти билан таништирилди.

Давлатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, молия-инвестициявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, мазкур йўналишдаги янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Швейцариянинг юксак иқтисодий салоҳияти ҳамда имкониятларининг янги қирраларини кашф этиш ва ишга солиш юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини, қўшма корхоналар ва маҳсулотлар турини кўпайтириш бўйича таклифлар билдирилди, ҳамкорликнинг истиқболли режалари белгилаб олинди.

**Жасур КЕНГБОЕВ, ЎзА мухбири.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига

# МАЪРИФАТ ШАҲАРЧАСИ

***Мустақилликнинг ўтган 16 йили мобайнида стратегик таълим дастурлари асосида мамлакат таълим тизимида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилаётгани туфайли соҳада мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Бу аслида Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларимиз ижобатининг самарасидир.***

Бизнинг университетимиз босиб ўтган йўл ҳақли равишда ушбу йўналишда нурли кўзгулардан бири бўла олади. Мирзачўл бағридаги мазкур университет, ҳудудда қад ростлаган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари бугун мамлакатнинг барча жойларида таълим савиясининг бирдай юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадига хизмат қилади.

Олий таълим муассасамиз бундан бир неча ўн йиллар муқаддам педагогика институти сифатида ташкил топганида, унга қабул қилинган 400 нафар талабага атиги 4 нафар илмий даражали ўқитувчи таълим берган, институтнинг бир неча юз китобдан иборат камтаргина кутубхонаси бор эди. Президентимизнинг 1992 йил 28 февралдаги Фармонига биноан, институтимизга Гулистон давлат университети деган юксак мақом берилди. Ўтган йиллар мобайнида ана шу Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан катта миқёсдаги ислоҳот ишлари амалга оширилди. Бугунга келиб, университетни Гулистон шаҳри бағридаги ўзига хос бир шаҳарча, дейиш мумкин. Ҳа, ҳеч бир муболағасиз, ёшлар билан гавжум, обод, илм-фан, билим-маърифат шаҳарчаси!

***«Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади».***
**(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасидан).**

Ҳозирги кунда бу ерда 3 ярим мингдан кўпроқ талаба таълим олмоқда. Университетда 6 та факультет, 23 та кафедра бор, уларда 300 дан зиёд профессор-ўқитувчилар илмий-педагогик фаолият билан банд. Бу олим-педагоглардан 20 нафари фан доктори, 95 нафари фан номзодидир. Профессор-ўқитувчиларимиз орасида бир нафар «Фан арбоби», икки нафар «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» борлигидан ҳам фахрланамиз. Университетимиздаги бундай салоҳиятли илмий-педагогик жамоа фақат мустақиллик даврида ва унинг шарофати билан шаклланди.

Ўқитувчилар фақат педагогик фаолият билан шуғулланиб қолмасдан, республикамиз илм-фани ривожига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жумладан, муҳтарам педагогларимиздан бири, техника фанлари доктори Каримжон Нуриевнинг илмий-амалий тадқиқотларда эришган натижалари 20 га яқин патентлар билан тақдирланди. Унинг турли танловлар бўйича бажарган лойиҳа ишлари самарадорлиги 5,3 миллиард сўмни ташкил этади. 2006-2007 йилларда инновацион ва фундаментал лойиҳалар танловида университетимиз олимлари 30 дан ортиқ лойиҳалар билан қатнашдилар. Ҳозирча ушбу лойиҳалардан 4 таси ғолиб деб топилиб, уларни рўёбга чиқариш бўйича жадал иш бошлаб юборилди. Олимларимиз имконияти халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Жумладан, улар хорижий давлатлардаги илмий ва педагогик марказлар билан ҳамкорликда 3 та грант лойиҳаси устида қизғин иш олиб бормоқдалар. Мамнуният билан айтамизки, университет «Экспериментал биология» лабораториясида биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари бугунги кунда ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Яъни, кузги буғдойнинг 4 та нави, пахтанинг 2 та, нўхатнинг 2 та нави ҳамда шўрланган тупроқни биотехнологик усулда қайта тиклаш, ўсимликларни зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлардан ҳимоя қилиш шулар жумласидандир.

Университетимизда иқтидорли ёшлар тарбияси алоҳида эътиборда. Фақат 2005-2007 йилларда бешта долзарб мутахассислик бўйича 46 нафар магистр тайёрланиб, улардан 16 нафари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилди. Ҳар йили иқтидорли талабалардан камида 400 нафари университетнинг анъанавий илмий анжуманларида маърузалар билан қатнашмоқдалар. Мунтазам равишда 15-20 нафарга яқин талаба халқаро илмий анжуманларда иштирок этаяпти. Халқаро грант лойиҳаларида қатнашган 2 нафар иқтидорли талабамиз Бирлашган Араб Амирлиги пойтахти Дубай шаҳрида ўқув курсларини муваффақиятли битириб қайтишди. UKAPDA, IPGRI, IWMI, ICBA халқаро ташкилотлари билан йўлга қўйилган халқаро ҳамкорлик тадқиқотларига ҳам 4 нафар иқтидорли талаба ва 3 нафар ёш тадқиқотчимиз жалб этилган бўлиб, уларнинг илмий ишларига хорижий мутахассислар раҳбарлик қилмоқда. Республикамизнинг илмий марказлари ҳамда бир неча халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда университетимизда «Шўрланган ерларни қайта тиклаш технологияси» мавзуида республика кўргазмаси ташкил этилди ҳамда «Мирзачўл шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш» илмий форуми ўтказилди.

Университет кейинги икки йил давомида ўзаро ҳамкорлик бўйича хорижий ташкилотлар билан яна 5 та меморандумни имзолади. Олимларимиз Россия Фанлар академияси қошидаги илмий марказлар, Москва давлат университети, Тюмень давлат университети, Астрахань қишлоқ хўжалик университети билан фаол ҳамкорлик ўрнатдилар. Халқаро ҳамкорлик алоқалари олий таълим даргоҳимиздаги таълимни илғор замонавий андозалар даражасига кўтаришга ҳам хизмат қилаётир.

Университетимизда таълим олиб, замонавий билим-малака орттираётган ёшлар Асосий Қонунимизда белгилаб берилган ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларидан самарали фойдаланган ҳолда, ҳозирги кунда вилоятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаётни ислоҳ қилиш ва тараққий эттириш ишида фаол қатнашиб, муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

**Улуғбек ТОШКЕНБОЕВ,**
**Гулистон давлат университети ректори.**


2007 йил 27 декабрь | ЭЪЛОН! | соат 10.00 да

| | | | |
|---|---|---|---|
| ВШ-709 | «Янгиер — Тошкент» икки томондан | ВШ-899 | «Бекобод — Гулистон» Гулистон томонидан |
| ВШ-711 | «Деҳқонобод — Тошкент» икки томондан | ВШ-930 | «Тошкент — Ғаллаорол» Ғаллаорол томонидан |
| ВШ-767 | «Бухоро — Шаҳрисабз» Шаҳрисабз томонидан | ВШ-939 | «Ургут — Тошкент» Ургут томонидан |
| ВШ-788 | «Гулистон — Тошкент» Гулистон томонидан | ВШ-945 | «Урганч — Шаҳрисабз» Шаҳрисабз томонидан |
| ВШ-829 | «Усмат — Булунғур» икки томондан | ВШ-960 | «Қўйтош — Тошкент» икки томондан |
| ВШ-848 | «Самарқанд — Термиз» Термиз томонидан | ВШ-983 | «Ғиждувон — Зарафшон» икки томондан |
| ВШ-856 | «Бекобод — Гулистон» Гулистон томонидан | ВШ-988 | «Тошкент — Термиз» Термиз томонидан |
| ВШ-863 | «Самарқанд — Ғагарин» Ғагарин томонидан | ВШ-990 | «Қўшработ — Тошкент» Қўшработ томонидан |
| ВШ-881 | «Жума — Тошкент» Жума томонидан | ВШ-1048 | «Ҳазорасп — Нукус» икки томондан |
| ВШ-884 | «Пайариқ — Тошкент» Пайариқ томонидан | ВШ-ЙТ-880 | «Янгиер — Жиззах» икки томондан |

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.**

**шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.**

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарлараро йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй.



Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар **идоралараро комиссияга** тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Турон» АТБдаги 20210000000745005012 махсус ҳ/р (банк коди 00446, ИНН 202811527, ХХТУТ 97300)га 25 минг сўм ўтказиб, 2007 йил 22 декабргача буюртма беришлари лозим.

**Идоралараро комиссия** тендер таклифларини 2007 йил 26 декабрь соат 19.00 гача қабул қилади.

1763Н/2176



*Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!*

**АТ «ПАХТА БАНК»нинг**

**акцияларини харид қилиб, мулкдор бўлинг ҳамда даромад манбаига эга бўлинг!**

**«Пахта банк» акциялари «Тошкент» республика Фонд биржасининг «А» тоифадаги расмий листингига киритилган бўлиб, энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.**

**«Пахта банк» акцияларини «Тошкент» республика Фонд биржасида, шунингдек, «Пахта банк»нинг исталган филиалидан харид қилишингиз мумкин.**

*Эслатиб ўтамиз!*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда қарорига асосан, жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади.***

***Шу билан бирга, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ҳамда қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтириладиган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.***

*Имкониятни қўлдан бой берманг!*

**Қўшимча маълумот учун 150-53-66 телефон рақамига қўнғироқ қилинг!**

**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

1799/2091


## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Сайлов куни белгиланди



***Россияда мамлакат президентлиги учун навбатдаги сайловларни 2008 йил 2 мартда ўтказиш белгиланди.***

Мамлакат қонунчилигига кўра, бу куннинг белгиланиши сайлов кампанияси бошланганини ҳам англатади. Айни пайтда Гарри Каспаров, Григорий Явлинский, Геннадий Зюганов, Владимир Жириновский, Николай Курьянович, Владимир Буковский, Михаил Касьянов ва Борис Немцов президент сайловларида ўз номзодини илгари суришларини билдиришди.

Сайлов кампаниясини молиялаштириш учун мамлакат бюджетидан 5,2 миллиард рубль ажратилиши кутилаяпти.

### Қамоқхонада исён

***Испания шарқидаги қамоқхоналардан бирида маҳбуслар исён кўтаришди.***



Сўнгги маълумотларга қараганда, ҳибсдагилар қамоқхонанинг катта ҳудудини эгаллаб олганлар. Манбада уч нафар хизматчи гаровга олингани айтилмоқда. Айни пайтда исёнчи маҳбуслар билан музокаралар ўтказилмоқда. Маҳбуслар айнан нима талаб қилаётгани ҳозирча номаълум.

### Келишув имзоланди, аммо...

***Аннаполисда АҚШ Президенти Жорж Буш, Исроил Бош вазири Эҳуд Ольмерт, Фаластин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббос томонлар ўртасида музокараларни қайта тиклаш тўғрисидаги келишувни имзоладилар.***

Унда келгуси йилнинг охирига қадар Фаластин мустақиллиги йўлидаги барча жараёнларни якунлаш лозимлиги қайд этилган. Музокаралар шу йилнинг 12 декабрида бошланади ва ҳар икки ҳафтада томонлар учрашиб, маслаҳатлашиб туришади.

«ХАМАС» гуруҳи ушбу саммитда имзоланган келишувга ўз норозилигини билдириб, Маҳмуд Аббоснинг мазкур битимни тасдиқлашга ваколати йўқлигини таъкидламоқда.

### Шахтада портлаш



Эквадордаги олтин конларидан бирида рўй берган портлаш оқибатида 60 нафар кончи ер тагида қамалиб қолди. Ҳозирча ҳодиса сабаблари маълум эмас. Маҳаллий ҳукумат фожиа туфайли нечта одам ҳалок бўлганига ойдинлик киритгани йўқ. Тахминларга қараганда, шахтада қолиб кетганларнинг аксарияти жароҳатланган бўлиши ҳам мумкин.

### Ёзилмаган асарга 8 миллион доллар

АҚШ собиқ Президенти Жон Кеннедининг укаси, сенатор Эдвард Кеннеди ўзининг мемуар асарини чоп этиш ҳуқуқини аукцион орқали саккиз миллион долларга пуллади. Қизиғи, ҳали асарнинг ўзи ёзилмаган. Олти кун давом этган аукцион савдоларида «Twelve» нашриёти енгиб чиқди. Мемуар 2010 йилнинг кузида чоп этилиши режалаштирилмоқда. Китоб сотувидан тушган маблағнинг катта қисми хайрия учун сарфланади.

### Музокаралар боши берк кўчада

Расмий Белград ва Приштин ўртасида Косовонинг келгуси тақдири юзасидан ўтказилган музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Вена яқинидаги Баден шаҳрида АҚШ, ЕИ ва Россия вакиллари ҳам ушбу масалани муҳокама қилишмоқда. Ҳар бир делегация мазкур масала юзасидан ўз нуқтаи назарларини билдиб, уларни асослашга ҳаракат қилмоқда.

Косово бир томонлама ўз мустақиллигини эълон қиладиган бўлса, Сербия иқтисодий санкция қўлламоқчи. Бундан ташқари, Сербия томони энергия таъминотини ҳам тўхтатиши мумкин.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР**

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS**



ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли



ГАЗ-31105, «ВОЛГА»



ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли



ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"



ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи



ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли



ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли




Маҳсулот сертификатланган



ГАЗ-3307 Автоэвакуатор



ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

ТЎЛОВ ШАКЛИ ТУРЛИЧА

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

# АЛОҚА ТАРМОҒИНИНГ ЕТАКЧИ ОПЕРАТОРИ

***Мустақиллик йилларида «Ўзбектелеком» очиқ акциядорлик компанияси Ўзбекистондаги фиксацияланган алоқа хизматининг етакчи операторидир. Унинг таркибий бўлинмалари янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича салмоқли ишларни амалга оширмоқда.***



Бу ишларда пойтахтимизнинг замонавий телекоммуникация хизматларининг энг йирик оператори бўлган «TShTT» филиали жамоаси ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Маълумки, Тошкент шаҳри ҳудуди 0,331 минг кв. км. майдонни эгаллайди, аҳолисининг сони 2188 минг кишидан иборат. Шу жумладан у дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири ҳисобланади. «TshTT» абонентлари сони 570000 нафарни ташкил этади. Телефон алоқаси ва «TShTT»нинг қўшимча хизмат турларидан шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари фойдаланади. 20000 дан ортиқ оила эса икки ва ундан ортиқ телефонга эга. Яқин орада шаҳар тўлиқ рақамлаштирилган АТСларга ўтади.

«TShTT» таркибида 6 та телефон боғламаси, станциялараро алоқа боғламаси, бир қатор йирик дастурлар билан таъминловчи Ахборот ҳисоблаш маркази, автожамланма, маркетинг, капитал қурилиш ва таъмирлаш тузилмалари ва бошқа бўлинмалар ишлаб турибди. Уларнинг асосий эътибори мижозларга сифатли хизмат кўрсатишга қаратилган. Шу мақсадда филиал аҳли динамик ривожланиш ва модернизациялаш йўлидан дадил қадам ташламоқда. Ахборот коммуникациялари бозорида кучайиб бораётган рақобатни ҳисобга олган ҳолда, корхона маъмурияти (раҳбари Абдурашид Абдумўминов) технологик жараёнлар ислоҳотини чуқурлаштириш, бизнес юритиш модели, хизмат кўрсатиш ва сервис даражаси ўсишини таъминлашга эришмоқда.

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Ўзбектелеком» АК томонидан қўйилган энг долзарб вазифа — ягона ахборот маконини яратиш ва ахборот жамиятини шакллантиришни босқичма-босқич ҳал этишни инфратузилмани ривожлантирмасдан тасаввур этиб бўлмайди, — дейди «TshTT» маркетинг бўлими бошлиғи Валерий Гулин. — Рақамли коммутация тизимлари, оптик толали транспорт ва мультисервис тармоқлари инфратузилманинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Шулар орқали ахборот турдошларига қараганда 100 минг баравар ортиқ тезликда узатилади. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги кунда уй телефонидан овозли хабар узатиш воситаси сифатида фойдаланишга эришилди. Яъни эндиликда телефон тармоғи Интернет тармоғи, мультимедия иловалари, видеотелефония, интеллектуал ва қўшимча хизматаларга кириш каналига айланган бўлса, келажакда эса у кўп сонли каналларга эга рақамли телевидениега (IPTV) ўтиш имконини беради. Шу боис «TShTT» телекоммуникациялари хизматларидан фойдаланувчилар сони ойига бир неча мингтага ошиб бормоқда. Филиалнинг интеллектуал жиҳатдан юксак ривожланган бўлинмаларидан бири — бу Ахборот-ҳисоблаш маркази ва станциялараро алоқа боғламаси ҳисобланади. Айнан уларда кўрсатилаётган хизматларнинг янги йўналиши — юқори тезланишли мультисервис тармоғи яратилган.



Корхонанинг янги тузилмалари фиксацияланган алоқа бўйича ниҳоятда қизиқарли бўлган таклифларни илгари сурмоқда. Бундай телефон ҳар доим мавжуд бўлади. Агар бирон нарсани бемалол ва батафсил муҳокама қилиш зарурати туғилса, одамлар стационар телефондан фойдаланади. Зеро, телефон алоқасининг сифати ҳам, имконияти ҳам мақбул даражада яхшиланган. Бошқа операторлар, жумладан, уяли алоқа компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган стационар алоқанинг истиқболи чиндан ҳам порлоқдир.

Халқаро амалиётда эса хизматларнинг янги йўналиши — «Triple-Play» барпо этилди. У провайдерларда конвергент хизматлар мавжудлигини англатади. Ҳолбуки, учта сервисдан алоҳида фойдаланилган даврда бунинг имконияти йўқ эди. Шу билан бирга, аудитория кенгайиб, рақобат кучайгани сайин «Triple-Play» хизматларини кўрсатишга янада юқори талаблар қўйилмоқда. Шунинг учун, «TshTT» каналлари спектрал тақсимланган DWDM (Dense Walelength Division Multiplexing) маълумот узатиш базасида тезлик оширилди, «сўнгги миля» муаммоси гибридли йўл билан ҳал қилинди. Алоқа боғламаларини периферияли чиқариш орқали оптик алоқа ўрнатилди. Пойтахтнинг магистрал алоқа тармоқларида эса реал вақт тартибида масофали таълим, видеоконференция, талаб бўйича видео етказиш, Интернет, рақамли телевидение, электрон овоз бериш ва бошқаларни узатишда, асосан овозли ва мультимедиа тизимларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Келгусида мультиплексорларнинг (DSLAM) бевосита абонентга яқин жойлаштириш, шу орқали якуний фойдаланувчиларга ахборотни бир сонияда ўнлаб ва юзлаб мегабит тезликда етказиб бериш мўлжалланмоқда. Видеотелефонга келсак, IP-видеотелефониянинг нархи арзон бўлиб, телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш таъминланган. Шаҳарнинг турли қисмида жойлашган мижозлар видеотелефон орқали суҳбатлашиш пайтида бир-бирини кўриб туриш имкониятига ҳам эга бўлади. Видеотелефондан фойдаланиш учун ҳар ойда 77 000 сўм абонентлик ҳақи тўланади.

Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар телефон тармоқларини стандартизация қилиш амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад барча етти рақамли телефонларнинг биринчи рақами «2»га алмаштирилади. Видеотелефония учун эса шаҳарнинг барча ҳудудида 200XXXX рақамлар жорий этилган.

АТС индексларини 2 миллионинчи ҳудудга ўтказиш билан боғлиқ режага кўра, 2007 йил охиригача мавжуд индекслар янгисига қуйидагича алмаштирилади:

мавжуд индекс янги индекс муддати

**АТС-125**
**АТС-225**
**05.11 дан 06.11 гача**
**АТС-134**
**АТС-234**
**12.11 дан 13.11 гача**
**АТС-162**
**АТС-262**
**20.11 дан 21.11 гача**
**АТС-135**
**АТС-235**
**26.11 дан 27.11 гача**

Рақамли АТСларда шунингдек, қуйидаги янги хизматлар жорий этилади:

— «centrex» - мини АТС харид қилмасдан туриб, етти рақамли нумерация асосида икки-уч рақамли идоравий тармоқларни яратиш;

— қўшимча 25 турдаги хизматлар мажмуасини барпо этиш.

Бу хизматлар эса амалда:

— NUC хизматларида (ярим доимий уланиш) телефон рақамларини ажратиш ва улардан фойдаланиш орқали рақамли уланишни ташкил этишдир;

— белгиланган рўйхат бўйича чиқувчи алоқани тақиқлаш;

— белгиланган рўйхат бўйича кирувчи алоқани тақиқлаш;

— кирувчи қўнғироқларни навбатга қўйиш (котиба пульти);

— телефон рақамига олдиндан белгиланган вақтда қўнғироқ қилиш;

— кирувчи аноним қўнғироқни тўсиб қўйиш.

Ҳозирга келиб, шаҳар ҳудудини Интернет хизматлари ва ADSL технологиялари имкониятлари билан қамраб олиш жараёни якунланди. Бу телефон ва Интернет тармоғи билан бир пайтда фойдаланиш имконини беради. Янги ускуна қуйидаги АТСларда ўрнатилган (рақамлар ўзгариши эътиборга олинган ҳолда): АТС-244, АТС-267, АТС-291, АТС-254, АТС-255, АТС-234, АТС-235, АТС-265, АТС-295, АТС-274, АТС-212, АТС-264, АТС-250, АТС-298, АТС-246, АТС-251, АТС-272, АТС-292, АТС-247, АТС-214, АТС-215, АТС-279, АТС-243, АТС-260.




Бунда Интернет тармоғига уланиш — бепул. Абонентлар ва хизматлардан автоматлаштирилган тартибда фойдаланувчилар керакли маълумотларни қуйидаги сайтдан олишлари мумкин: www.tshtt.uz. Электрон почта: inform@tshtt.-uz, abonotdel@tshtt.uz.

Манзилий ижтимоий ёрдам ва ижтимоий хизмат кўрсатиш чора-тадбирлари дастурига кўра, пойтахтда яшовчи икки юз нафар пенсионер ва ногиронга бепул телефон ўрнатилди. Телефон хизматлари бўйича имтиёзлар қуйидаги ҳолатларда кўзда тутилган:

— маҳаллий телефон тармоғи орқали вақтбай тўловда камайиб борувчи коэффициент — соат 22.00дан соат 7.00гача — 0,10.

— шошилинч чақириқ суҳбатлари соат 01 дан соат 04 гача — 0,50.

Таъмирлаш бюросига 083, 084, 085, 086, 087, 089 рақамлари орқали чиқиш ва МТСнинг 8-191, 8-194 буюртма хизматига мурожаат этганлик учун ҳақ ундирилмайди.

— автомат халқаро алоқа пайтида (халқаро таксофонлар орқали сўзлашишдан ташқари) иш кунлари соат 22.00 дан соат 7.00 гача камайиб борувчи коэффициент — 0,15, дам олиш кунлари (шанба, якшанба) соат 22.00 дан соат 7.00 гача камайиб борувчи коэффициент — 0,20.

— халқаро сўзлашувларда ТШТТ карталаридан фойдаланувчилар учун хизмат ҳақи 40 фоизга арзон.

— маҳаллий, халқаро, шаҳарлараро алоқа хизматлар учун ҳисоб-китоб карталаридан фойдаланган ҳолда ҳақ тўлаш учун қабул пунктларига бориш шарт эмас. Сотиб олинган ҳисоб картаси исталган телефонда ишга туширилган пайтда сумма шу заҳотиёқ ҳақ тўланадиган телефон номерининг шахсий ҳисоб рақамига тушади. Ҳақ ўз вақтида тўланмаган ёки номер ўчирилган бўлса, автоматлаштирилган биллинг тизими, вақтидан ёки кунидан қатъи назар, уланишга буйруқ беради.

Санаб ўтилган хизматлар тарифлари ўзгарган тақдирда, биллинг автоматлаштирилган тартибда ҳисоб-китоб олиб боради.

Телефонингиз ишлаяптими? Бу — яхши. «TshTT» масъулияти остидаги ҳудудда телефон ишдан чиқиб, таъмирлаш бюросига буюртма тушса, корхона таъмирлаш пайти учун абонентлик ҳақини қайта ҳисоблаб чиқади. Ҳақ тўланмагани ёки абонент йўқлиги учун телефон ўчирилса, мижозлар телефонни аввалги манзил бўйича тиклаш ҳуқуқига эга. Бунда тарифнинг 50 фоизи миқдорида ҳақ тўланади ва қарзлар ундирилади.

Абонент илтимосига кўра, идоравий телефон ёки фиксация қилинган телефон «TshTT»нинг бошқа оператори тармоғига кўчирилса, телефондан фойдаланиш тарифининг 20 фоиз миқдорида тўлов амалга оширилади.



***Замонавий истеъмолчиларга илғор, айни пайтда оддий ва тушунарли телекоммуникациялар ва хизматлар зарур, албатта. Тошкентда шу йил сентябрь ойида бўлиб ўтган алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамжамият ишчи кенгашининг навбатдаги учрашувидаги келишувга мувофиқ, ҳозир қуйидаги халқаро миқёсдаги янги турдаги алоқа хизматлари: «Телеовоз бериш», «Халқаро бепул чақириқ», «Бевосита чақириқ», «IPVPN виртуал хусусий тармоқ» тайёрланмоқда. Тез орада «TshTT» филиали ва абонентлари, бу хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар***

**Усмон УСМОНОВ.**


**«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ**

*ўз мижозларига шуни маълум қиладики, 2007 йилда тузилган, иш ҳажми ва амал қилиш муддати 2007 йил 31 декабргача бўлган мажбуриятлари амалга оширилмаган, мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бекор қилинади.*

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2007 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ ДК кредитор қарзлари 2008 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

1535R/1845

**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

(Минск шахридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



Махсулот сертификатланган

*Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.*

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй.
Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94.
E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

155R/2377

*Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ**

бир кишилик чойшаблар ва госпитал буюмларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича

**танлов эълон қилади.**

Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй.
Талабгорлардан танловда иштирок этиш таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2007 йил 10 декабрь соат 17.00 гача.
Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 136-39-60, 281-43-72, 255-76-72.
Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.
E-mail: umtvs@uzpak.uz

1745R/2141

Организация
**реализует со склада**
в Ташкенте следующие
**ШИНЫ**
российского производства:

| Размер | Модель |
| --- | --- |
| 13,6-38 | Я-166 нс 6 |
| 15,5-38 | Ф-2АД нс8 |
| 9,00-16 | Я-324А нс10 |
| 28,1R26 | ФД-12М нс12 и 158 |
| 9,5-42 | Я-183 нс8 |
| 18,4/78-30 | Я-319 нс8 и 139 |
| 10.00R20 | И-281, У-4 нс 16 |
| 8,25 R20 | |

а также любые другие модели под заказ.

Адрес: г. Ташкент, ул. У. Юсупова, 36.
Тел./факс: 144-71-75, 144-30-79.
E-mail: euroaz@mail.ru

1663R/2060

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

# ЛИЗИНГ — ЗАМОНАВИЙ ХАРИД УСУЛИ

***2007 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимиз молия бозорида 150 миллиард сўмдан зиёд лизинг шартномалари амалга оширилди. Бу ўтган йилнинг шу давридаги амалиётлар ҳажмига нисбатан 64 фоиз кўпдир. Шунинг ўзиёқ сўнгги йилларда Президентимиз ва ҳукуматимизнинг юксак эътибори, ислоҳотлар самараси, Халқаро молия корпорациясининг махсус лойиҳаси изчил амалга оширилаётганлиги туфайли лизинг операциялари республикамизда жадал ривожланаётганидан далолат беради.***

***Бу икки йил муқаддам ушбу соҳа фаолияти доирасини кенгайтириш, иқтисодиётимиздаги нуфузини ва мавқеини янада кўтариш, тегишли ташкилотларни ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида умуммақсад йўлида бирлаштириш учун ташкил этилган Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси фаолиятининг самарасидир.***

## Замон талабига ҳамоҳанг

Лизинг — давр руҳига, ўзгарувчан талаб ва таклиф бозорида ҳар қандай шароитга тез мослашадиган, ҳаракатчан ва қисқа жараёнли соҳа. Дейлик, сиз пластмасса идиш ишлаб чиқараяпсиз, аммо маҳсулотингизга харидор кам. Шундай бўлгач, албатта, фаолиятингизни янгилашни истаб қоласиз. Бунинг учун рақобатбардош технологиялар керак, жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар, ишонч ва кафолат, энг муҳими, амалий ёрдам зарур. Буларнинг ҳаммасини сизга лизинг компанияси беради. Яъни, янги технологиялар орқали рақобатга дош берадиган ишлаб чиқаришни шакллантириш ва ривожлантириш ассоциациянинг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга, мамлакатимизда лизинг қонунчилигини такомиллаштириш, лизингга оид турли ўқув курслари ва семинарларни ўтказиш, халқаро майдонда миллий лизинг имкониятларини намойиш этиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро ҳамкорликнинг кўп қиррали лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш каби вазифалар ҳам ассоциация зиммасига юкланган. Ўтган даврда ана шу вазифалар ижроси таъминланганi натижасида бугунги кунда 40 та лизинг берувчи ташкилот, шунингдек, 16 та лизинг компанияси ва 21 та тижорат банки лизинг амалиётларини рўёбга чиқармоқда. Шулардан 19 таси — «Асака-Транс-лизинг», «Осиё-Европа Траст», «Барака лизинг», «Бизнес лизинг», «Замин Инвест», «Қурилиш лизинг», «Пойтахт лизинг», «Ўзавиа лизинг», «Ўзкейсагролизинг», «Экспресс лизинг» компаниялари, «Асакабанк», «Ипак йўли» банки, «Ипотекабанк», «Капиталбанк», «Микрокредитбанк», «Пахтабанк», «Ҳамкорбанк» — ассоциация аъзоларидир.

## Имтиёзлар мезони

**2002** йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Лизинг тўғрисида»ги Қонунга кўра, лизинг берувчига заём воситалари ҳисобидан молиялаштиришни рухсат этувчи ҳуқуқий меъёр киритилган. Ундан олдинроқ, яъни ўша йилнинг август ойида Президентимизнинг Фармонига биноан, лизинг асосида импорт тариқасида мамлакатимизга олиб келинадиган замонавий технологик ускуналар божхона тўловларидан, лизинг тўловлари қўшимча қиймат солиғидан, лизинг олувчилар эса мулк солиғини тўлашдан озод қилинди. Айниқса, 2004 йилнинг апрелидан бошлаб лизинг олувчиларнинг солиққа тортиш жараёнидаги тезкор амортизациялашдан фойдаланиш имконига эга бўлишлари, мутахассисларнинг фикрига кўра, кичик бизнес учун асосий воситаларни лизинг механизми орқали сотиб олишларига етарли даражада туртки берди. Мана шу имтиёзларнинг бари лизинг амалиётлари қийматини 40 фоизга тушишини таъминлади. Молия бозорида лизинг шартномалари ва банк кредитларининг ўзаро рақобатини вужудга келтирди. Шунингдек, 2005 йилнинг бошида минтақамизнинг лизинг берувчилари фаолиятини молиялаштириш учун Халқаро молия корпорацияси томонидан 30 млн. АҚШ доллари ҳажмида Марказий Осиё Лизинг тараққиёти фонди таъсис этилгани ҳам лизинг компанияларининг фаол ишлашига ижобий таъсир кўрсатди.

Ушбу омиллар ва юртимизда лизинг фаолияти ривожи учун қулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги, пировардида ишлаб чиқаришни юксак технологиялар асосига қурган кичик ва ўрта бизнес манфаатларига, демакки, мамлакат тараққиётига хизмат қилувчи лизинг соҳасининг кучли таъсир доирасини яратди.

## Фаолият самараси

Ассоциация ўтган йилнинг февраль ойида Бокуда Озарбойжон лизинг компаниялари ассоциацияси билан келишув ҳужжатини имзолади. Унга мувофиқ, ўзаро ахборот алмашув, ўқув-услубий ишлар ҳамда Ўзбекистон ва Озарбойжон лизинг бозорларини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик алоқалари белгилаб олинди. Шунингдек, ўша йили Санкт-Петербургда ўтказилган "Бизнес учун лизинг. Мулоқотнинг устуворлиги хусусида мулоқот" деб номланган конференцияда уюшма вакиллари ҳам иштирок этиб, Россия лизинг бозори шаклланиши ва ривожланишида катта хизмат қилган «Шимоли-Ғарбий Лизинг» Ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиб қайтишди. Айтиш жоизки, ассоциация томонидан пойтахтимизда ташкил этилган "Марказий Осиёда лизинг" халқаро конференцияси лизинг фаолияти учун яна бир кенг йўл очди. Чунки бу конференциянинг бош мақсади мамлакатимиз лизинг бозорида юз бераётган янгиланишларни кўрсатиш, ўзаро тажриба алмашиш, тармоққа қўшимча хорижий инвестицияларни жалб этиш ва меҳмонларни ўз фаолияти билан таништиришдан иборат эди. Тадбирда Россия, Украина, Туркия, Покистон, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг лизинг ассоциациялари ва компаниялари, Халқаро молия корпорацияси, маҳаллий ва хорижий тижорат банкларининг ҳамда бошқа кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашишди. Анжуман доирасида юртимизда лизинг берувчилар ва асбоб-ускуналар етказиб берувчилар томонидан кичик кўргазмалар ташкил қилинди. Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси вакилларининг маърузалари тингланди. Анжуман ҳукуматимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида юксак савияда, амалий ҳамкорлик руҳида ўтказилгани боис Ўзбекистон лизинг бозори барча иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Айни пайтда тўпланган тажриба лизинг амалиётлари мамлакатимизда кундан-кунга муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда. Сабаби, унинг қулай ва афзал томонлари кўп. У тезкорлиги, аниқ мақсадларга йўналтирилгани, замонавий технологияларга асосланганлиги билан ажралиб туради. Бинобарин, давлатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда, такрор айтамиз, лизинг компанияларининг ўзига хос ўрни бор. Жумладан, ҳозирги кунда енгил ва озиқ-овқат саноатида замонавий ускуналарга эҳтиёж катта. Шунингдек, савдо-сотиқ ускуналарини лизинг асосида беришни ҳам ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шуни ҳисобга олиб, ассоциация ушбу йўналишлар бўйича ҳам режалар тузиб, уни амалга оширишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Қолаверса, тармоқни ривожлантириш, унинг қонуний базасини такомиллаштириш масалалари ҳам диққат марказида турибди. Шу мақсадда махсус семинарлар, курслар дастурлари бойитилиб, соҳанинг тадбиркорлар орасида оммалашишига эътибор қаратилаяпти.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*(Мақола Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси билан ҳамкорликда тайёрланди)*





Жараён

# ҚИШДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҚИЙИНЧИЛИК БЎЛМАЙДИ

**Паркент автобус-такси саройи пойтахт вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Паркент туманлари аҳолисига хизмат кўрсатадиган асосий транспорт корхоналаридан ҳисобланади. Гарчанд автокорхонадаги мавжуд 67 та автобус бироз муддатини ўтаган бўлса-да, аҳоли учун энг ишончли жамоатчилик транспортига айланган.**

Бунинг сабаби оддий: мазкур корхонанинг асосий рақобатчиси ҳисобланган хусусий сектор транспортига ҳар доим ҳам ишонч билдириб бўлмайди. Негаки уларда аҳолига хизмат кўрсатишда изчиллик ва графикка амал қилиш маданияти етишмайди. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, одамлар эрталаб ишга кетиш ва қайтиш пайтларида кўзга ташланади-ю, қоронғу тушиши билан жуфтакни ростлаб қолишади.

— Бугунги рақобатчилик шароитида хусусий автотранспорт сектори фаолиятидаги бундай камчиликлар аҳолини ранжитмоқда, — дейди мазкур автокорхона раҳбари Асқар Бойбўсинов. — Айнан шулардан келиб чиқиб, аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни қатъий график асосида йўлга қўйдик. Натижа ёмон бўлмаяпти. Куннинг қайси вақти бўлишидан қатъи назар, одамлар бизнинг автотранспортларимизни кутадиган бўлиб қолишди. Бундай ишонч эса бизга ниҳоятда катта масъулият юклайди.

Транспорт

Мақсадимиз ортиқча харажатларсиз аҳолига янада намунали хизмат кўрсатишдан иборат. Ҳозирда мавжуд автотранспортларнинг асосий қисми газдан фойдаланишга ўтказилди. Бу эса рақобатбардошликни таъминлабгина қолмай, қанчадан-қанча маблағни тежаб қолиш имконини ҳам бермоқда. Қолаверса, бизнинг бу омилкорлигимиз «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси томонидан ўтказилаётган қатор мусобақаларда турли кўрсаткичлар бўйича етакчиликни қўлдан бермай келишимизга ҳам замин яратмоқда. Режаларимиз янада улуғ: яқин орада мавжуд автотранспорт турларини лизинг асосида янгиларига алмаштириш тадориги кўрилмоқда.

Айни пайтда Паркент автобус-такси саройида қишки мавсумга тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда. Жумладан, мавжуд автотранспортларнинг шиналарини янгилаш, техник кўрикдан ўтказиш юмушлари бошлаб юборилган. Амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракатлар эса аҳолига қиш мавсумида ҳам намунали хизмат кўрсатиш имконини яратмоқда.

**У. УСМОНОВ** t

Саноат



***Президентимизнинг шу йил 14 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талаблари амалиётга татбиқ этилиши натижасида жойлардаги кўплаб корхоналарда маҳсулот рақобатбардошлиги, экспорт салоҳияти ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида иқтисодий ривожланиш ҳамда аҳоли фаровонлигининг янада яхшиланишига хизмат қилаяпти.***

***Ушбу йўналишда, айниқса «Ўзпахтасаноат» уюшмаси тизимида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Буни Самарқанд вилояти «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси фаолияти мисолида яққол англаш мумкин.***

# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОФАТИ

— Пахта хом ашёсининг тақдири бевосита пахта тозалаш корхоналарида ҳал этилади. Шундай бўлгач, бундай корхоналарга эътиборни ошириш, уларни янгилаш, қайта қуришни шароитнинг ўзи тақозо этади. Ана шундай вазиятда Фармоннинг қабул қилиниши тизимдаги ишларни тўлиқ қайта кўриб чиқишга хизмат қилди, — дейди бирлашма раиси Нормурод Омонов. – Биз барча корхоналаримиз аҳволини чуқур таҳлил қилиб, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раҳбарларига корхоналарни бирин-кетин реконструкция қилиш, айримларини модернизациялаш таклифи билан чиқдик. Ижобий жавоб олингач, биринчи галда Янгиқўрғон пахта тозалаш корхонасини бутунлай қайта қуриш бошланди. Алмисоқдан қолган механизмлардан воз кечилди. Машаққатли ва шарафли меҳнат эвазига уч ой муддатда қурилиш-монтаж ишлари, цехларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ниҳоясига етказилди.

Илгари мазкур корхонада пахта хом ашёсини қайта ишлаш учун 10 ойдан ортиқ вақт сарфланарди. Устига устак маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек бўлмасди. Эндиликда эса қабул қилинган пахтани тўлиқ қайта ишлаш учун атиги 6 ой кифоя қилмоқда. Барча цехларни бир жойга жойлаштириш, узоқ технологик жараённинг қисқа технологик жараёнга келтирилиши муваффақиятлар омили бўлди. Момиқ ишлаб чиқарадиган линтер машиналари модернизацияланган «5ЛП» линтер машиналарига, «3ХДД» жин машиналари «ДП-130» жин машиналарига, пахта хом ашёсини тозалайдиган эски «Меҳнат» русумли машиналар «УХК» линияларига алмаштирилди. Муҳандис-техник ходимлар, назорат бўлими, техник лаборатория, арра тайёрлаш устахонаси ва бошқа бўлимлар бевосита ишлаб чиқариш биносига жойлаштирилди.

Ишчи-хизматчиларга етарли шароит яратилгани, хусусан, ошхона қурилгани, махсус кийим-кечаклар билан таъминлангани эса ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига хизмат қилди.

Бундай эзгу харакатлар 2006 йили Митан пахта тозалаш корхонасида давом эттирилди. Ушбу корхона 4 ой муддатда қайта қурилди. Бу ерда ҳам технологик жараённи қисқартириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, ишчи-хизматчиларнинг иш жойлари замон талаблари даражасида бўлишига эътибор қаратилди.

Айнан шу йилнинг якунига кўра, вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси пахта ҳосилининг сифати юқорилиги бўйича республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» марказининг дипломи ва кубоги билан тақдирланди.

Ҳозир ҳар иккала корхонада бўлган кишининг дили яйрайди. Уларнинг реконструкциядан олдинги ҳолати билан бугунги кунини таққослаш қийин. Замонавий шинам бинолар, гулзорлар, боғлар, спорт майдончалари бажарилган катта ҳажмдаги ишлардан далолат беради.

2007 йил март ойида Республика Вазирлар Маҳкамасининг «2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши эса тизимдаги янгиланишларга ҳукумат томонидан эътиборнинг янада ошиб бораётганини кўрсатди. Ана шу қарор асосида Пахтачи туманидаги «Зиёвуддин толаси» акциядорлик жамиятида кескин ижобий ўзгаришларга эришилди. Унинг тўлиқ модернизация қилиниши мазкур корхонага кенг имкониятлар эшигини очаяпти. Меҳнат фахрийси, узоқ йиллар туманда раҳбарлик лавозимларида ишлаган, уста пахтакор Зулайҳо Норқулованинг таъкидлашича, ушбу корхона 1979 йилда қурилган. Барча жиҳозлари ҳам ўша даврга хос экан.

Корхонани модернизациялаш қисқа муддатда бажарилди. Жами 2,6 миллиард сўмликдан ортиқ ҳажмда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу ерда 2 та қуритиш агрегати, 2 та «УХК» тозалаш линиясининг ўрнатилиши эса пахта толаси сифатининг 100 фоизга етказилишини таъминлади. Шу билан бирга, қиймати 360 миллион сўм бўлган янги тойлаш агрегатининг келтирилиши ҳам корхона ривожига хизмат қилаяпти.

Бундан ташқари, мазкур пахта тозалаш корхонасида 12 та линтер машинаси тўлиқ янгиларига алмаштирилди. Ишлаб чиқариш корпуси, тайёр маҳсулотлар омборхонаси, тарозихона, фермерлар хонаси ва бошқа бинолар қайта қурилиб, ишчи-хизматчилар учун барча шароитлар яратилди. Катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

— Корхонамиз ҳар йили 32 минг тоннадан ортиқ хом ашёни қабул қилиш ва уни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди жамият бошқаруви раиси Тоир Ҳусанов. — Лекин илгари ускуналарнинг эскирганлиги боис иш чўзилиб кетарди. Аниқроғи, пахтани қайта ишлашни ниҳоясига етказиш учун тўққиз ойдан кўпроқ вақт сарфланарди. Қайта қуриш ишлари амалга оширилгач, маҳсулот сифати ошди, кам вақт ичида кўп фойда олиш, ишчиларга қулай меҳнат шароитларини яратиш имкониятлари юзага келди. Ўтган йилни жамоамиз 65,5 миллион сўмдан зиёд соф фойда билан якунлагани ана шу тадбирларнинг самарасидир.

Айни чоғда Челак, Жума пахта тозалаш корхоналарида ҳам кенгайтириш ишлари олиб борилди. Жумладан, Челак пахта тозалаш корхонаси қуввати 50 фоизга оширилди. Бу ерда 2 та «ДП-130» русумли жин машинасига қўшимча яна битта шундай машина ўрнатилди.

Жорий йилда эса тизимдаги пахта 40 та тайёрлов масканида жами 632 та ғарам майдончаси қайта таъмирланиб, пунктлар деворлари қайта тикланди. Мавжуд 100 та ҳовуз, 68 та сув насоси ва барча ёнғинга қарши воситалар жанговар ҳолатга келтирилди. Бирлашма бўйича жами 74 миллион сўмга ёнғинга қарши кураш анжомлари харид қилиниб, жойларда ўрнатилди.

Пахта етиштириш ҳажми йил сайин ўсиши пахта тозалаш корхоналарини фермер хўжаликларига уруғлик чигит етиштириш ва таъминлаш билан жиддий шуғулланишга ҳам даъват этмоқда. Шу мақсадда кейинги уч йил давомида замонавий ускуналар билан жиҳозланган Зирабулоқ пахта тозалаш корхонаси тизимидаги «Иттифоқ», Жума пахта тозалаш корхонаси тизимидаги Мели Қўчқоров, Митан пахта тозалаш корхонаси қошидаги «Митан» махсус туманлараро уруғлик чигит цехлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ҳол вилоят деҳқонлари учун қулайликлар яратиб, уруғлик чигит билан таъминлаш борасидаги муаммоларни узил-кесил ҳал қилди.

2007 йилда вилоятда чигит экишдан тортиб то ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар бўлган жараёнларда пахта тозалаш корхоналари ходимлари фаол иштирок этди. Натижада вилоятда 268000 тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта тайёрланди. Унинг 50000 тоннадан кўпроғи қайта ишланди. Қайта ишланган пахта хом ашёсидан 34,5 фоиздан тола чиқиши таъминланиб, 14500 тоннадан ортиқ тола, 22000 тоннадан зиёд техник чигит, 1200 тоннадан ошиқроқ момиқ тайёрлашга эришилди.

Ишлаб чиқарилаётган пахта маҳсулотлари сифати давлат стандартлари талабларига тўла мос келиши корхоналарни модернизациялаш қанчалик самарали эканлигини намоён этмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса пешма-пеш истеъмолчиларга, яъни пахта толаси терминалларига, техник чигит эса ёғ-мой заводларига етказиб берилмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.** t



*Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар фермерликни ривожлантириш, соҳада замонавий технологиялардан фойдаланиш кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилаётир. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2006 йил 24 августда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги қарори муҳим омил бўлаётир.*

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да анъанавий Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси давом этмоқда. Унда мамлакатимиз ва хориж компаниялари ўзининг замонавий минитехнологиялар ва ихчам ускуналарини, шунингдек, хизматларини таклиф этмоқда. Улар орасида фермерлар ва тадбиркорларга харид қилинган замонавий ускуналарни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда сервис хизмати кўрсатишга ихтисослашган корхоналар ҳам бор. Ўзбекистон бозорига замонавий хорижий жиҳозларни етказиб беришга ихтисослашган «TEXNO FOOD SERVIS» маркази шулардан бири.

Юртимиз тадбиркорларини сифатли минитехнологиялар билан таъминлаш ҳамда уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш борасида сервис хизмати кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган мазкур марказ кўплаб семинарлар ташкил этмоқда. Пойтахтимизда нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрлашнинг замонавий технологияларига бағишлаб очилган кўргазмали семинар шулар жумласидандир. Унда тегишли вазирлик, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, технолог-муҳандислар ҳамда хусусий тадбиркорлар иштирок этмоқда.

Семинарда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган замонавий технологиялар тадбиркорлар эътиборига ҳавола қилинди. Ушбу тадбир ишбилармонларга нафақат янги технологиялар билан танишиш, балки мутахассислар билан бевосита тажриба алмашиш, юртимизда нон ва қандолат маҳсулотлари турларини янада кўпайтириш, бу борадаги халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Тўрт кунга мўлжалланган мазкур кўргазмали семинар Самарқанд ва Бухоро вилоятларида давом этади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ГЎЗАЛЛИК ВА НАФОСАТ КЎРИГИ

*Кеча пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуаси сув спорти саройида анъанавий «Сув париси» VIII халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлди*



Нуфузли халқаро турнирлар, қитъа ёки жаҳон миқёсидаги мусобақалар ҳар қандай мамлакатда ўтказилавермайди. Бунинг учун ўша давлатда йирик мусобақаларни ташкил этиш бўйича етарли шарт-шароит, катта тажриба бўлиши керак. Шуни фахр билан айта оламизки, Ўзбекистон бугун жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақалар ўтказиладиган марказлардан бирига айланиб улгурди. Кейинги йилларда пойтахтимиз ва вилоятлар марказларида, ҳатто, чекка қишлоқларда ҳам кўплаб замонавий спорт мажмуалари бунёд этилгани бунга пухта замин яратди.

Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Синхрон сузиш федерацияси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур турнирда мамлакатимиз спортчиларидан ташқари Россия, Қозоғистон ва Словакиядан келган синхрон сузувчилар иштирок этмоқда.

Халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда қизларни спортнинг енгил атлетика, теннис, бадиий гимнастика ва сув спорти турларига оммавий жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Синхрон сузиш бўйича анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Сув париси» халқаро турнири ҳам қизларимиз ўртасида ушбу спорт турига қизиқишни ошириб, янги-янги юлдузларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Ҳозирда мамлакатимизда спортнинг нафис ва назокатли тури ҳисобланган синхрон сузиш билан шуғулланувчилар сони минг нафардан ошиб кетди.

## Халқаро турнир

Бугун шуни қувонч билан айта оламизки, аёллар спортини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлар самара бера бошлади. Дарья Можаева, Наталья Корнеева, Валентина Попова, Анастасия Рўзметова, Динара Ибрагимова, Анастасия Здрайковская ва бошқа спортчиларимиз синхрон сузиш бўйича нуфузли мусобақаларда доимо совриндорлар сафидан жой олишмоқда.

— Яқинда Индонезияда ўтказилган Осиё чемпионатининг яккалик (соло) баҳсларида бронза медалини қўлга киритдим,— дейди А. Рўзметова. — «Сув париси — 2007» мусобақаларига ҳам дугоналарим билан жиддий тайёргарлик кўрдик. Мураббийимиз бошчилигида етти-саккиз соатлаб машғулотларда қатнашдик. Албатта, пешқадамлар сафида бўлишга ҳаракат қиламиз.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА)**
**олган сурат.**

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2007 йил 28 декабрь куни соат 11.00 да**
**Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонов кўчаси, 23-уй, республика Кўчмас мулк биржаси (РКМБ) Хоразм вилояти филиали биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 январдаги 22.06.06-5802-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд идрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразмавтойўл» МЙХПТФКга қарашли Урганч шаҳри, «Машъал» кўчасида жойлашган, «Бахт» меҳмонхонаси ёнидаги қишки тўйхона биноси ва унга ёндош иншоотлар (қишки тўйхона биноси, 2 қаватли меҳмонхона, дўкон биноси, ёзги ошхона биноси, қоровулхона биноси, ёзги ошхона бостирмаси, саҳна, девор, асфальт ва металл тўсиқ, қишки тўйхона биноси фундаментлари темир-бетон, деворлари ғиштдан, томи темир-бетон плиталар, поллари бетон, ойна эшиклари ёғочдан, электр энергияси, ичимлик суви, оқова сув, газ таъминотлари ва иситиш тизими бор).
*Бошланғич баҳоси — 219 310 000 сўм.*

Юқоридаги мулклар билан суд ижрочилари билан бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг Хоразм вилояти филиали (савдо ташкилотчиси)нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар:

АТИБ «Ипотекабанк»нинг «Тинчлик» филиали, МФО 00580,
ҳ/р 20210000700571452056, ИНН 200933850.

Тўлов топшириқномалари (квитанциялар)да ижро ҳужжатининг тартиб рақами, санаси ва объектнинг номи аниқ кўрсатилиши лозим.

Бир нечта аукцион объекти бўйича закалат пуллари уларнинг ҳар бири учун алоҳида тўлов топшириқномалари (квитанциялар) билан тўланиши керак.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси номига қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:**
- *савдода иштирок этиш учун ариза ва закалат пули тўғрисидаги келишув;*
- *жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси;*
- *юридик шахслр учун юридик мақомини белгиловчи ҳужжатлар нусхаси;*
- *ўрнатилган тартибда тасдиқланган ишончнома (вакиллар учун).*

Аукцион савдоларига қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлган талабгорлар республика Кўчмас мулк биржасининг Хоразм вилояти филиалига эълон чиққан санадан бошлаб ҳафтанинг ҳар душанба ва чоршанба кунлари соат 16.00 га қадар мурожаат этиши мумкин.

**Манзил: республика Кўчмас мулк биржасининг Хоразм вилояти филиали, Хоразм вилояти, Урганч ш., Й. Бобожонов к., 23-уй (мўлжал — Урганч шаҳар халқ таълими бўлими).**
**Телефонлар: (8-362) 226-32-63, 22-43-64.**

**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004**

**«Gamma-Elektro»**

ОРГАНИЗАЦИЯ РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ И НА ЗАКАЗ:

**КАБЕЛЬ**
**СИЛОВОЙ** АВВГ 2х2, 5 - 4х240 ААШВ; АСБ; 3х95-3х240
**С ИЗОЛЯЦИЕЙ ИЗ СШИТОГО ПОЛИЭТИЛЕНА** от 10 до 110 кВ
**Термоусаживаемые муфты от 1 до 35 кВ - СТп, КВТп, КНТп**
**ВОЛОКОННО-ОПТИЧЕСКИЙ КАБЕЛИ СВЯЗИ** МКСБ, ТЗГ, ТЗАШп, ЗКП

**ЛАМПЫ** (L18W OSRAM, ЛД-20; 40; 80, ДРЛ 125-700, ДНАТ 250; 400)
**СВЕТИЛЬНИКИ** (ЛПО, ЛСП, РСП, РКУ, ПЗМ и.т.д.)
**ЭЛЕКТРОДВИГАТЕЛИ**
**СЧЕТЧИКИ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ** ОДНО- И ТРЕХФАЗНЫЕ, МНОГОТАРИФНЫЕ
**ДИЗЕЛЬ-ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ**

Тел./факс: 8 (371) 136-01-54, 133-12-84.
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

**«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ «ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

**«ШЎРТАНГАЗКИМЁ» МАЖМУАСИ**

Циклогексан ГОСТ 14198-78 — 600 тонна ва тўйинмаган углеводородларни гидрирлаш лойиҳаси учун водород курилмасини сотиб олишга 07/07-рақамли тендер савдосини эълон қилади.

Тендер муддати эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб — 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

*«Шўртангазкимё» мажмуаси, 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қўрғони. Тел.: (998 75) 221-00-19, 780-85-72. Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.*
*Электрон почта: sgcc@sgcc.uz*

**ТЕНДЕР ТАНЛОВИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ**

Сана — 2007 йил 28 ноябрь.
Кредит № — UZB-20.
Лойиҳа номи — Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш.

**Халқаро тендер танлови**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Ислом тараққиёт банки (ИТБ) кредити иштирокида амалга оширилаётган «Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи ИТБнинг 2007 йил 26 ноябрдаги 41/UZB/4410-сонли хатига асосан, Қашқадарё вилояти Китоб туманида жойлашган 53-сонли умумтаълим мактабини қуриш бўйича такрорий халқаро тендер савдолари ўтказилиши ҳақида маълум қилади.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги барча қонуний ҳуқуққа эга бўлган ташкилот ва фирмалардан қуйидаги объект қурилиши бўйича муҳрланган таклифларни қабул қилади.

**Лот 4. Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 53-сонли мактаб қурилиши**

3. Тендер ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида фаолият олиб бораётган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (Манзил: Тошкент шаҳри, «Мустақиллик» майдони, 5-уй. Тел.: 139-17-05, 139-46-50)дан олиш мумкин. Тендер ҳужжатларини ҳар бир тўплами учун ҳар қандай ҳолда қайтариб берилмайдиган 200 АҚШ доллари (маҳаллий иштирокчилар учун пул ўтказилаётган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича сўмдаги қийматида) миқдоридаги тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги тўлов талабномаси тақдим этилгандан сўнг олиш мумкин.
4. Тендер таклифлари танлов эълон қилингандан бошлаб 90 кун давомида ҳақиқий ҳисобланади. Иштирокчилар ўз таклиф ҳужжатлари билан бирга таклиф этилаётган нархнинг 2% миқдоридаги кафолат маблағи мавжудлигини тасдиқловчи банк маълумотномасини ҳам тақдим этишлари лозим. Тендер ҳужжатлари (танловнинг ёпилиш санаси 2008 йил 4 январга қадар) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи томонидан қабул қилинади (Манзил: Тошкент шаҳри, «Мустақиллик» майдони, 5-уй. Тел.: 139-17-05, 139-46-50). Тендер ҳужжатлари ушбу халқаро тендер танлови қатнашчилари вакиллари иштирокида очилади.

**Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи менежери Фаязов Джамшед**
**«Мустақиллик» майдони, 5-уй, 107-хона,**
**100078, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон.**
**Телефон: +998 71 139-46-50.**
**Факс: +998 71 139-17-05.**
**E-mail: uzb_020@yahoo.com**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

*Қўшма корхонаси*
**LOK Kolor SINTEZ**



**ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЛАК-БЎЁҚ МАТЕРИАЛЛАРИ**

**ИНТЕРЬЕР УЧУН СУВЛИ ҚОПЛАМАЛАР**
(девор ва шифтлар учун бўёқ)
**ФАСАД УЧУН ҚОПЛАМАЛАР** (пропитка, грунтовка, бўёқ)
Универсал **АЛКИДЛИ ЭМАЛЬ**
Пол учун **ЭМАЛЬ**
Томлар ва юк вагонлари учун **ЭМАЛЬ**
Сув ҳавзалари учун **БЎЁҚЛАР**
Саноат ускуналари, қишлоқ хўжалиги машиналари учун **СУВГА ВА КИМЁВИЙ ТАЪСИРЛАРГА ЧИДАМЛИ АКРИЛАТЛИ ҚОПЛАМАЛАР**
Металл конструкциялар, локомотивлар, қишлоқ хўжалиги ва йўл машиналари учун **ЮҚОРИ АТМОСФЕРА ТАЪСИРЛАРИГА ЧИДАМЛИ АЛКИДУРЕТАНЛИ ҚОПЛАМАЛАР**
Йўл чизгилари учун **БЎЁҚ**
Ёғоч ва бўялган юзалар учун (рангли ва рангсиз) **ЛАКЛАР**
**ҲИМОЯВИЙ ҚОПЛАМАЛАР** (турли юзалар учун грунтовка, шпатлёвка)
Шунингдек, **АЛКИД СМОЛАСИ** (лак-бўёқ саноати учун яримфабрикат лак)

**ЭЖК – 0,22÷0,25 маркали темир қолдиқларини сотамиз**

**Ушбу маҳсулотларимизни корхонамизнинг қуйидаги манзилда жойлашган ФИРМА ДЎКОНИДАН завод нархида сотиб олишингиз мумкин:**
**Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.**

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Тел.: (998 71) 291-47-41, 291-80-94. Факс: (998 71) 291-74-63.
E-mail: lokcolor_uz@mail.ru www.lokkolor.uz
**ISO 9001; ISO 14001; ISO 18001.**

*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг шу сонидаги қўш саҳифа газетхонлар учун бепул илова қилинмоқда.*

*Мебель ва мебель маҳсулотлари истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчилари, ташкилотлар, улгуржи савдо корхоналари ва хусусий тадбиркорлар диққатига!*

**FAYZ**

**2007 йил 4 — 6 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги «Файзмебелкўргазмасавдо» биносида республикамиздаги**

**МЕБЕЛЬ ВА МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЕТАКЧИ КОРХОНАЛАРИНИНГ УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ**

**бўлиб ўтади.**



**Ҳар хил турдаги мебель, ламинатланган плиталар, поролон, мебель учун фурнитура ва ортопедик матрацларга**
**буюртмалар бериш ва шартномаларни тузишга бағишланган ярмаркамизга таклиф этамиз.**

**Республика улгуржи савдо ярмаркасини ўтказиш манзили: Тошкент ш., «Сергели-3» даҳаси, Массон к., 1-уй, «Файзмебелкўргазмасавдо». Тел.: 258-03-93, 258-12-22, 258-12-24.**

